

**7-МАВЗУ**  
**ГУРУХЛАРДА**  
**ИЖТИМОЙ**  
**ФАОЛИЯТНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ**

## Режа:

1. Жамиятда шахс ва гурухлар.  
Унинг турлари ва ўлчами
2. Рахбар (лидер) қобилияти
3. Рахбарга қўйиладиган  
талаблар

**Гурух** – маълум ижтимоий  
фаолият мақсадлари  
асосида тўпланган.  
Мулоқот эҳтиёжлари  
қондириладиган  
инсонлар уюшмаси.

# Гурух учун иккита асосий мезон мавжуд:

- бирор фаолиятнинг бўлишлиги

- У ерда одамларнинг ўзаро мулоқоти учун имкониятнинг мавжудлиги.

Хар бир шахс учун тараққиётнинг хар бир алохида босқичида шундай одамлар гурухи бўлдики, у уларнинг ниятлари, қизиқишлари, ҳаракат меъёрлари, ғоя ва фикрларига эргашишга тайёр бўлади, ҳаракатларидан андоза олади, уларга тақлид қилади. Бундай гурух психологияда референт гурух деб аталади.

Норматив (меъёрий) гурухлар – бу шахс учун шундай инсонлар гурухики, уларнинг нормаларини маъқумлайди, уларга амал қилишга хамиша тайёр бўлади.

Қиёслаш гурухлари – бу шундай гурухики, шахс ўша гурухга киришига, унинг маъқумлашига мухтож бўлмайди, лекин харакатларини йўлга солишда унга асосланади ва коррекция қилади.

Негатив гурухлар шундайки, шахс уларнинг хатти – харакатларидан атайлаб воз кечади, чунки улар шахсий қарашлардан мутлоқ фарқ қилади.

# Турли гурухлар инсон хаётида бир неча вазифаларни бажарадилар:

А

- ижтимоийлаштирувчи вазифа

Б

- инструментал, яъни аниқ меҳнат вазифаларини амалга оширишга имкон берувчи муҳит

В

- экспрессив – одамларнинг ўзгаларнинг тан олишлари, ҳурматга сазовор бўлиш, ишонч қозонишини таъминлаш

Г

- қўллаб – қувватлаш, яъни қийин пайтларда, муаммолар пайдо бўлганда одамларни бирлаштириш вазифаси

# Мосликнинг мезони

Фаолият  
натижалари

Аъзоларнинг  
сарфланган  
энергиялари

Фаолиятдан  
қониқиш



Икки хил ўзаро  
мослик  
фарқланади:

Психофизиологик

ИЖТИМОЙ  
ПСИХОЛОГИК

Маълумки, IX асрнинг охириги чораги – X асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган буюк алломалардан бири Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида бунга мисол бўла олади.

Абу Наср Форобийнинг мазкур асарида жамиятда адолат ўрнатиш, шаҳар, давлатни бошқариш йўллари, юртбоши, шазар хокими қандай киши бўлиши кераклиги, бошлиқ учун зарур бўлган фазилатлар ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Асар муаллифи бошлиқ  
хамда унинг атрофидаги  
рахбар кадрларни танлаш  
ва хар бирининг у ёки бу  
фазилатларига қараб ўзига  
лойиқ, муносиб ишга масъул  
қилиш масалалари хусусида  
сўз юритган.

Унинг фикрича, фозил одамлар  
шахрининг бошлиғи ўн иккита  
фазилат эгаси бўлиши керак:

Биринчидан, аввало, тўрт мучали  
соғ-омон бўлиши, касал бўлмаслиги,  
соғлиғи ўз зиммасидаги  
вазифаларни бекамикўст адо этишга  
халақит бермаслиги лозим.

Иккинчидан, табиатан нозик таъбли, фаросатли бўлиши, ким билан мулоқотда бўлмасин, сухбатдошининг сўзларини, фикрларини тез ва тўғри тушуниб, мақсадини илғаб боладиган бўлиши, гап нимада эканлигини аниқ тасаввур қила олиши зарур.

Учинчидан, кўрган, эшитган, англаган нарсаларни тўла-тўқис ёдида сақлай оладиган, ҳеч нимани эсдан чиқармайдиган даражада яхши хотирага эга бўлиши даркор.

**Тўртинчидан, у зехни ўткир, зукко бўлиб, хар қандай нарсанинг билинар-билинмас аломатларини ва улар нимани англатишини тез билиб, сеза оладиган бўлсин.**

**Бешинчидан, чиройли сўзлайдиган, фикрини аниқ равшан тушунтира оладиган бўлиши зарур.**

**Олтинчидан, у таълимга ташна, билим, маърифатга хавасли, ўқиш-шрганишда хар қандай қийинчиликлардан қўрқмай, хормай-толмай ишлашга ўрганган бўлиши керак.**

Етинчидан, овқатланишда, ичишда, қимор  
ёки бошқа ўйинлардан ўзини тия  
оладиган, меъёрини билиб, иш қиладиган  
бўлиши лозим.

Саккизинчидан, ҳақ ва ҳақиқатни,  
одил, ҳақгўй одамларни севадиган,  
ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон  
кўрадиган бўлиши даркор.

Тўққизинчидан, ўз қадрига етадиган,  
қадр-қиммати ни ардоқлайдиган, ор-  
номусли, пастқарашлардан юқори  
турувчи, туғма олий химмат, улуғ ишларга  
интиладиган одам бўлиши керак.

Ўнинчидан, бойлик мол-дунё  
кетидан қувмайдиган, бу дунё  
бойликларига қизиқмайдиган  
бўлиши лозим.



Ўн биринчидан, адолатпарвар, одил одамларни севадиган, ўз одамлари ва бегоналарга ҳам хақиқат қилувчи, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёқтирмайдиган, нохақ жабрланганларга ёрдам берувчи, барчага яхшилиқни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўши зурур.

У хар қандай хақсизлик ва разолатга муросасиз бўлиши керак. Хақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутиши лозим.

**Ўн иккинчидан, ўзи зарур деб  
хисоблаган чора-тадбирларни  
амалга оширишда қатъиятли,  
саботли, журъатли, жасур  
бўлиши, қўрқоқлик ва  
ҳадиксирашларга йўл  
қўймаслиги даркор.**

Абу Наср Форобийнинг фикрича, ана шу ўн икки фазилатга эга бўлган кишигина шаҳарга, халққа бошчилиқ қилиши маъқул бўлади.

Аmmo, деб афсусланади Абу Наср Форобий бундай кишилар жамиятда жуда кам бўлади. Бундай nodир инсонлар топилмаслиги мумкин. У ҳолда, юқорида санаб ўтилган фазилатларнинг бир қанчасига эга бўлган инсонларни қидириш керак.